



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Мўминов Азизбек Зиёвиддинович ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЖАҲОН ВА МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.....	9
2. Иноятон Сулаймон Иноятонвич МИРЗО АБДУЛВОҲИД МУНЗИМ – БУХОРО ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ФАОЛЛАРИДАН БИРИДИР.....	14
3. Risbayeva Zilola Bahodirovna QADIMG' QANG' DAVLATI TARIXI.....	17
4. Jo'raboyeva Nazokat Xabibullayevna TEMURIYLAR DAVLATIDA ARAB, FORS VA TURKIY TILLARNING AHAMIYATI.....	19
5. Ortiqova R.I. «TARIX DARSLARIDA QIZIQARLI O'YINLI USULLARDAN FOYDALANISH» MAVZUSIDAGI USLUBIY QO'LLANMA.....	20
6. Shokirova Mavludaxon Xolmirzayevna QADIMG' DUNYONING YETTI MO'JIZASI.....	24
7. Togayev Musulmon Xushvaxtovich, Ibragimov Ulug'bek Abdumannonovich TARIX FANINI O'QITISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH YO'LLARI.....	26
8. Гозиев Сирож Хошимович, Лапасова Мафтуна Санакул қизи ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ РИВОЖИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ.....	28
9. Ражабова Роҳила Закировна МАНГИТЛАР ДАВРИ ТАРИХИ ЁРИТИЛГАН ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР.....	30
10. Эрбутаева Ўғилой Суюновна, Давронова Юлдуз Улуғбековна ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ (ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИГА ДОИР).....	33
11. Умаров Икромжон Ибрагимович МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРДА БОЛА ТАРБИЯСИ.....	35
12. O'razbaeva Diloram TARIX DARSLARDA AMIR TEMUR SIYMOSI.....	38
13. Қамариддинзода Маликабону Қамариддиновна ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ҲОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН.....	40
14. Қамариддинзода Маликабону Қамариддиновна ИСЛАМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ПЕРВЫЙ ПРЕЗИДЕНТ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА.....	42
15. Yusupova Xurshidaxon Zakirllayevna BUYUK TARIXIMIZ YOSHLAR K O'ZGUSIDA.....	44
16. Boboxanova Ma'mura JASORATLI QAHRAMONIMIZ- JALOLIDDIN MANGUBERDI.....	46
17. Ismoilov Yusuf Ismoilovich TARIX DARSLARIDA TURLI METODLARNI UYG'UNLASHTIRISH.....	48
18. Jumaev Jonibek Shodievich MEASURES AIMED TO RETURN THE CULTURAL WEALTH BELONGING TO OUR COUNTRY FROM FOREIGN COUNTRIES.....	50
19. Қамариддинзода Маликабону Қамариддиновна АТАН - СИЗ КАБИ ФИДОЙИ ВАТАНПАРВАРЛАРГА ТАЯНАДИ.....	52
20. Абдуллаев Равшан Раҳмонали ўғли ШАХСНИ ТАРБИЯ ҚИЛИШДА АНИҚ, ТАБИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	55
21. Ahmedova Guzal Abduvalievna	



МАНГИТЛАР ДАВРИ ТАРИХИ ЁРИТИЛГАН ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР.

Ражабова Роҳила Закировна
Бухоро давлат университети
Ислон тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа кафедраси таянч докторанти
Телефон: +998(91)410 78 82
rajabovarohila@gmail.com.

Аннотация. Ушбу мақолада манғитлар даври тарихини ўрганишда қўлёзма манбаларнинг аҳамияти ва қўлёзма асарлар тарихни ўрганишда муҳим манба эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: XVIII-XIX аср, қўлёзма асарлар, манғитлар даври, тарих, маданият, маънавий мерос, манба.

Тарихдан маълумки, манғитлар туркий қавм бўлиб, улар XII асрда Дашти Қипчоқда, катта бир қисми эса Волга ва Урал дарёлари оралиғида яшашган. Бу пайтда улар қипчоқларнинг катта таъсири остида бўлган. Қипчоқлар таъсири остида уларнинг бир қисми ўз тилларини унутиб, қипчоқ тилида гаплашганлар.

Манғитлар қавми оқ манғит, қора манғит ва тўқ манғит каби шохобчаларга бўлинган. Бухоро амирлигини 1756–1920 йилларда бошқарган манғитлар сулоласи манғит уруғининг тўқ манғит шохобчасидан бўлган.

XVIII аср 40-йилларига келганда Бухоро хонлигида сиёсий ва иқтисодий инқироз кучайган. Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон (хукмронлик даври: 1711–1747)нинг калтабинларча юритган сиёсати натижасида халқнинг моддий аҳволи оғирлашган, Бухоро хонлиги таркибидан Фарғона водийси ажралиб чиққан ва мустақил Қўқон хонлигига асос солинган, мамлакатнинг бекликларга бўлиниш хавфи кучайган. Бунинг устига Эрон шоҳи Нодиршоҳ (хукмронлик даври: 1736–1747)нинг Бухоро давлатига ҳужуми, мамлакатнинг асосий шаҳарлари бўлган Бухоро ва Самарқанднинг улар томонидан эгалланиши ва таланиши оқибатида сиёсий вазият баттар мураккаблашган. Туркистон тақдири ҳал қилинаётган ана шундай қалтис ва нозик бир фурсатда тарих сахнасига янги сиёсий куч – манғитлар сулоласи кўтарилган.

Тарихчилар томонидан манғитлар сулоласи вакиллари бўлган Бухоро амирларига турлича баҳо берилади. Амирларнинг аксарияти золимлик ва ёвузликда айбланади. Бироқ тарихда одил ҳукмдорлар ҳам бўлган. Бундай одил ҳукмдорлар манғитлар сулоласи орасида ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, “маъсум амир” номи билан шуҳрат қозонган Амир Шохмурод ва унинг ўғли Амир Ҳайдар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳар бир тарихий даврда илм аҳли илм-фан, маърифат ва маънавиятга интилиб келган ва ўша давр тарихини, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ёритишга ҳаракат қилган.

Манғитлар даври тарихи ҳақидаги ноёб маълумотларга бой асарлар ўша давр қўлёзма манбалари ҳисобланади. Бу даврда Бухорода жуда кўплаб олиму фозиллар яшаб ижод этганлар. Улардан бири тарихчи олим Муҳаммад Вафойи Карминагий бўлиб, тарихчининг тўла номи Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагийдир. Унинг машҳур асари “Тухфат ул-хоний”¹ (“Хоннинг тухфаси”) асари бўлиб, баъзида “Тарихи Раҳимхоний” (“Муҳаммад Раҳимхон тарихи”) деб юритилиб², манғитлар ҳақидаги энг қадимий тарихий қўлёзма ҳисобланади. Бу асар Бухоро хонлигининг 1722-1782 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Муҳаммад Вафо Карминагий 1769 йили “Тухфат ул-хоний” номли асарида фақат 1722-1768 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисминигина ёзиб улгурган. Унинг давомини, яъни 1768-1782 йиллар воқеаларини баён этувчи қисмини насафлик домла Олимбек ибн Ниёзқулибек ёзган³.

“Тухфат ул-хоний” қофияли наср, саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик, ҳамда этник далилларга бойлиги би-

¹ Тухфат ал-Хоний. Муҳаммад Вафойи Карминагий. ФА ШИ Қўлёзмалар фонди № 4263.

² Анге Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. XVIII-XIX вв.) Алматы. 2004.-С. 110.

³ Ўша аср. Б. 177-178.



лан биринчи даражадаги манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигида XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари ва бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар, ҳамда қишлоқларнинг вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ва унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган далилий маълумотга ўта бойдир.

Асарда Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва манғитлар давлатининг тузилиши, 1722-1782 йилларда Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Қўқон хонликлари, ҳамда Қашқар билан олиб борган сиёсий муносабатлари ҳақидаги ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп учрайди¹.

“Тухфат ул-хоний” асарининг қўлёзмалари жуда кўп бўлиб, фақат Санкт-Петербург, Ўзбекистон, Тожикистон кутубхоналарида 21 қўлёзмаси мавжуд. Улардан 6 та қўлёзма нусхаси Россия Фанлар Академиясининг Санкт-Петербург филиалида, 2 та қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида, 10 та қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон номидаги Шарқшунослик институтида, 2 та қўлёзма нусхаси Душанбедаги Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида, 1 та қўлёзма нусхаси Қозон давлат университетидеда сақланмоқда.

Бухоро тарихи ҳақидаги яна муҳим манбалардан бири – “Тарихи Амир Ҳайдар”² бўлиб, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик Мулла Ибодулло ва Мулла Муҳаммад Шариф асаридир. “Тарихи Амир Ҳайдар” кичик ҳажмдаги асар, жами 96 варақдан иборат, муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган, Бухоро хонлигининг Аштархонийлар, шунингдек, асосан, Манғитлар сулоласида бўлган амир Ҳайдар ҳукмронлиги (1800-1826 йй.) давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Асар 81 боб, ёки дostonдан иборат, 1-2 – боблари Бухоро шаҳри тарихига бағишланган, 3-6 – бобларда Аштархонийлар тарихи қисқача баён этилган, 7-81 – бобларида эса Бухоро амирлиги амирзода Ҳайдарнинг туғилиши ва унинг 1826 йил 6 октябрдаги вафотигача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Китоб 50 – йилларда А.А.Семенов томонидан рус тилига таржима қилинган, таржима қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

“Тарихи салотини Манғития”³ (“Манғит султонларининг тарихи”) асари Бухоролик машҳур тарихчи олим ва шоир Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний (1838/39-1914 йилдан кейин) қаламига мансубдир. Бухоро хонлигининг амир Музаффар давридаги тарихига бағишланган. Асарнинг илмий аҳамияти шундаки, унда Бухоро амирлигининг Ўрта Осиёнинг Россия тарафидан босиб олиниши арафасидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро-Россия муносабатлари бирмунча кенг ёритилган. Китобнинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг ўзбекистонлик олима Л.М.Епифонава томонидан қилинган русча таржимаси, сўз боши ва зарур изоҳлари билан бирга 1962 йили Москвада чоп этилган.

Бухоро тарихи ҳақидаги муҳим манбалар муаллифларидан бири Мирза Салимбек бўлиб, у бир неча йирик тарихий асарлар муаллифидир. “Кашкули Салимий” (“Салимийнинг кашкули”), “Жомий ул-Гулзор” (“Гулзорлар мажмуаси”), “Ҳикояти Абдулло ибн Муборак”, “Тарихи Салимий” шулар жумласидандир⁴.

Тарихчилар учун энг муҳими унинг сўнгги асари “Тарихи Салимий”дир. Н. Норкуловнинг фикрига қараганда, бу асар XX асрнинг 20-йилларида ёзилган. Унинг бош қисми, Чингизхондан то амир Музаффар давригача бўлган тарих умумлаштирувчи характерга эга. Асарнинг 1860-1920 йиллар воқеаларини ўз ичига олган катта қисми бутунлай янги бўлиб, муаллифнинг ўзи бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Асарда амир Музаффар даврида бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро-Қўқон ва Бухоро-Россия муносабатлари, шунингдек, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг II ярмидаги умумий аҳволи ва маъмурий тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор. “Тарихи Салимий” асарининг

¹ Ўша аср. – Б.178

² Тарихи Амир Ҳайдар. Мулла Муҳаммад Шариф ЎзР ФА Шарқшунослик институтида инв. № 1836

³ Тарихи салотини Манғития. Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/VI

⁴ Тарихий манбашунослик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Фан нашриёти. 2006 й. – Б. 183-184



кўлёзма нусхалари кўп. Асар 1968 йили Н. Норкулов томонидан рус тилига таржима қилинган, лекин чоп этилмаган.

Хулоса қилиб айтсак, XVIII-XIX асрларда Бухорода мингдан ортиқ олиму-фузалолар етишиб чиққан бўлиб, улар қолдирган бой маънавий мерос ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Зеро, юқорида номлари келтирилган олимлар Бухородаги илм-фан ривожининг ажралмас бўлаги сифатида манбаларда ўз номларини қолдирганлар ва улар қолдирган бой маънавий мерос Бухоро тарихи ҳақидаги муҳим ва ноёб манбалардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анге Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIX вв.) Алматы. 2004.-С. 110
2. Арабские рукописи. Института востоковедения Академии наук СССР. Краткий каталог. М.: издательство «Наука» главная редакция восточной литературы, 1986.-526с.
3. Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Таржимаи аҳволи амирони Бухорои шариф аз-амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад. XIX аср. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, №18.
4. Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, инв. № 4330/VI
5. Мулла Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида инв. № 1836 рақами остида
6. Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагий. Тухфат ул-хоний. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси.
7. Муҳаммад Якуб ибн амир Дониёл. Тарихи амирони манғит. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, №2727/1.
8. Шарифжон Махдум садри Зиё. Тарих. ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, №2241.
9. www.ziynet.uz
10. www.google.org